

## **“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

## Каттақүргон шахар драма театри директори

Б.Тугалов

2022й



## Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

## ТАНЛОВ ХУЖАТЛАРИ

## Танлов·хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йурикнома
  2. Техник кисм
  3. Нархлар кисми

Каттақүрғон -2022

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Каттакўрғон шаҳар драма театрида ўтказиладиган “Қайнона” номли спектаклга керакли бўлган бутафория ва, реквизит, декорация ясаш хамда грим маҳсулотлари сотиб олиш.
- 1.2. Танлов охирги киймати –барча товар ва ишлар учун жами 49 000 000 (Қирқ туққиз миллион) сўм.  
Ушбу кийматдан ортиқ кийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва куриб чиқилмайди.
- 1.3. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов хужжатларининг техник кисмда илова килинган.  
Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. Каттакўрғон шаҳар драма театри (бундан кейин-«Буюртмачи» деб аталади) –танлов ташкилотчиси хисобланади.  
«Буюртмачи» манзили: Самарқанд вилояти Каттакўрғон шаҳри А.Навоий кўчаси 106 уй.
- 2.2. Танлов «Буюртмачи» томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан утказилади.
- 2.3. Танлов Каттакўрғон шаҳар драма театри «Буюртмачи» томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклида катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:  
танлов предмети кийматининг камида 15 фоизи микдоридаги айланма маблагларнинг ёки курсатиб ўтилган маблагларни беришга банк кафолатномаси ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресуслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;  
шартномалар тузиш юзасидан фуқоролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар;  
танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;  
ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги мальумотлар;  
танлов обьектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми (50 фоиздан кам булмаган холда);  
Низом маблағи микдори.

- 3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувоғик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

- 3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди;

Кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий –хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

### 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН МТАШКИЛОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

- 4.1.Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўтказиши учун жойлаштирилиши лозим.
- 4.2.Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачм” ва “Иштирокчи” ўзбек тилида тақдим қилиниши лозим.
- 4.3.Кушидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:
  - Техник таклиф, Фирменни биланкада имзоланган, номерланган ва мухирланган ҳолда;
  - Техник хужжатлар руйхати (брошурулар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар руйхати илова қилинади);
- 4.4.Танлов иштирокчиси:
  - Фақат бигта таклиф бериши мумкин;
  - Тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳақконийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
  - Таклиф бериш муддати тугагунига қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқуқига эга.

## **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

- 5.1.Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълуқли ҳолда элон қилинган муддатдан яни 5 календар кунга узайтирилиши мумкин.
- 5.2.Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.
- 5.3.Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 6.1.Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлалилар.
- 6.2.Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
- 6.3.Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибдадавлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **7. БОШҚА ШАРТЛАР**

- 7.1.Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиши учун таклиф бериш муддати тугаган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳакли. Товарни (ишни,хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиши тўғрисида эълонга ўзгартиришлар киритилади.
- 7.2.Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиши учун эълонда белгиланган шакилда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборнишга ҳакли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичida давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати

буортмачиси, агар мазкур сўров давлат буортмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шакилда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тунунтиришлар уларнинг мазмун-маҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

- 7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буортмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юболишга ҳақли. Давлат буортмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тувишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
- 7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан белгиланган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилди.